

«18» 09 2019 y. № 1

ТИББИЁТДА ҚҮЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА  
МААЛОКС®  
MAALOX

Препаратнинг савдо номи: Маалокс®

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): алюминий гидроксида + магний гидроксида

Дори шакли: ичга қабул қилиш учун суспензия.

Таркиби:

Суспензиянинг бир пакетчаси қуидагиларни сақлайди (15 мл):

фаол моддалар:

магний гидроксида 600 мг;

алюминий гидроксида 525 мг;

ёрдамчи моддалар:

Концентрланган хлорид кислотаси 0,018 мл;

Лимон кислотаси моногидрати 9,82 мг;

Қалампир ялпиз эфир мойи 1,89 мг;

Маннитол 37,50 мг;

Метилпарагидроксибензоат 15,00 мг

Пропилпарагидроксибензоат 7,50 мг;

Натрий сахаринати 4,215 мг;

Сорбитол 70% (кристалланмайдиган) 214,3 мг;

Водород пероксида 30% 9,75 мг;

Тозаланган сув 15 мл гача.

Таърифи: оқ ёки деярли оқ, ялпиз ҳидли, ширин таъмли сутни эслатувчи кремсимон суюқлик.

Фармакотерапевтик гурӯҳи: антацид восита.

ATX коди: A02AX.

**Фармакологик хусусиятлари**

**Фармакодинамикаси**

Маалокс магний гидроксида ва алюминий гидроксидини яхши мувозанатланган мажмуаси бўлиб, у унинг юқори нейтралловчи ва протектив самарасини таъминлайди. Адсорбция қилувчи, ўраб олувчи ва антацид воситаси сифатида меъда ширасининг юқори кислоталилигида қўлланади. Маалокс меъда-ичак йўлларининг юқори бўлимларида оғриқни бир неча соатга тинчлантиради. Маалокс қабзиятларни чақирмайди.

**Фармакокинетикаси**

Магний ва алюминий гидроксидлари тавсия этилган дозаларда қабул қилинганида деярли сўрилмайдиган ва мувофиқ равишда тизимли самаралар кўрсатмайдиган маҳаллий таъсирга эга антацидлар ҳисобланади.

**Қўлланилиши**

Жигилдон қайнashi ва қизилўнгачга кислотали меъда ширасининг қайта тушиши билан кечадиган гастроэзофагиал рефлюксни антацид даволаш. Симптомлари: кекириш, ўқчиш, қийинлашган ва оғриқли ютиш, дарҳол овқат истеъмол қилинганидан сўнг пайдо бўладиган ва энгашгандага кучаядиган эпигастрал соҳадаги оғриқда қўлланади (куёш ўрилмаси проекциясидан бироз пастроқда). Даволаш 15 ёшдан юқори бўлган беморларда қўлланилиши мумкин.

## **Құллаш усули ва дозалари**

Препарат 15 ёшдан катта bemorlarغا құлланылады.

Маалокс одатда овқатдан 1-1,5 соат кейин ёки оғриқ пайдо бўлганида қўлланади. Маалокс суспензия кўринишида 15 мл дан (1 пакетча) қабул қилинади. Қабул қилиш олдиdan пакетчани бармоқлар орасида яхшилаб эзиб суспензияни гомогенлаштириш керак. Пакетча ичиагисини қошиққа ёки оғизга сиқиб чиқариш керак. Болаларда дозалашни даволовчи шифокор белгилайди. Зарурати бўлганида олдинги қабулдан икки соатдан кейин препаратнинг қўшимча дозасини қабул қилиш мумкин, аммо кунига б қабулдан кўп мумкин эмас.

## **Ножўя таъсирлари**

Белгиланган дозаларга риоя қилинганида препаратнинг ножўя таъсирлари аҳамиятсиз.

Баъзида кузатилади: кўнгил айниши, кусиш, таъм билиш туйғусини ўзгариши, қабзият. Юқори дозаларда узоқ муддат қўлланганида – гипофосфатемия, гипермагниемия, гипералюминия, энцефалопатия. Кекса ёшдаги bemorlarда суяқ бўғим касалликлари, Альцгеймер касаллигининг зўрайиши кузатилиши мумкин.

## **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

-Оғир буйрак етишмовчилиги, препарат таркибида магний сақлагани учун.

-Препаратнинг компонентларига ўта юқори сезувчанлик.

-15 ёшгача бўлган болалар.

-фруктозани ўзлаштираолмасликда қўллаш мумкин эмас.

## **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Антацидлар ичга қабул қилинадиган бошқа баъзи бир дори воситалари билан ўзаро таъсирга эга.

### **Эҳтиёткорлик чораларини талаб этувчи маъжмуалар**

- Хинидин билан бирга

Хинидин билан бир вақтда қўлланганда хинидинни зардобдаги миқдорини ошиши ва хинидин дозасини ошириб юбориш эҳтимоли катта.

Маалокс билан бир вақтда ичишга турли ҳил дори воситалар билан бирга буюрилганда уларнинг сўрилишини камайтиради. Шунинг учун қўйидаги дори воситаларини Маалокс® ни қабул қилишдан 2 соат олдин ёки ундан 2 соатдан кейин тавсия этилади:

- Н2-гистаминга қарши дори воситалари, этамбутол, изониазид (перорал равиида), атенолол, метопролол, пропранолол, цефдинир, цефподоксин, хлорохин, циклинлар, дифлунизал, дигоксин, дифосфонатлар, фексофенадин, темир тузлари, фторхинолонлар, фторланган натрий, глюокортикостероидлар (преднизолон ва дексаметазон), индометацин, кейексалат, кетоконазол, ланзопразол, линкозамилар, фенотиазин нейролептиклар, пеницилламин, фосфор (қўшимчалар), тироксин.

### **Эътиборга олиши керак бўлган маъжмуалар**

- Салицилатлар билан

Маалокс® ни юқори дозаларда узоқ вақт мобайнида салицилатлар билан бир вақтда қўллаганда салицилатларни сийдик орқали чиқарилиши оқибатида сийдикни Маалокс® препарати таъсирида ишқорланиши кузатилади.

- Цитратлар билан

Алюминий гидроксидини цитратлар билан бирга бир вақтда қўлланиши оқибатида алюминийни плазмадаги концентрациясини ошиши, айниқса буйраклар етишмовчилиги бор bemorlarда кузатилиши мумкин.

## **Махсус күрсатмалар**

### **Махсус күрсатмалар**

Маалокс препарати билан бошқа препаратлар орасидаги қабул қилиш интервали 2 соатни ташкил қилиши керак. Қуйидаги ҳолатларда бемор даволовчи шифокорига мурожаат қилиши зарур:

- тана вазни камайганида; - қийинлашган ютиш ва даволашдан қатъий назар пайдо бўлувчи кориндаги дискомфорт;
- биринчи марта пайдо бўлган овқат хазм қилишнинг бузилиши;
- буйраклар етишмовчилиги.

Қуйидаги дори воситасини фруктоза ўзлаштираолмаслик, глюкоза ва галактоза малъабсорбция синдроми ёки сахараза-изомальтаза етишмовчилигига кўллаш ман этилади, қандли диабет билан касалланган bemорларда таркибида сорбитол ва сахароза сақлагани туфайли эҳтиёткорлик билан буюрилади.

### **Кўлланишидаги эҳтиёткорлик чоралари**

Таркибида кам миқдорда фосфор сақловчи парҳез тутиш даврида алюминий гидроксида организмда фосфор етишмовчилигини келтириб чиқариши мумкин.

Буйрак етишмовчилиги ёки сурункали диализ ҳолатларида препарат таркибидаги магний ва алюминий миқдорини назарда тутиш керак. Алюминий гидроксида гемодиализдаги порфирияси бор bemорларга хавфсиз эмас бўлиши мумкин. Препаратни узоқ вақт кўллаш тавсия этилмайди. Агар даволаш даврида симптомлар 10 қундан кўп давом этса, ҳамда касаллик оғирлашиш ҳолатларида касаллик симптомлари сабабини аниқлаш ва буюрилган даволашни қайта кўриб чиқиш керак.

### **Ҳомиладорлик ва эмизикли даври**

Ҳомиладор аёллар ва эмизикли аёлларга препаратни алоҳида эҳтиёткорлик билан буюриш лозим.

Меъда-ичак йўли ўтказувчанлигига таъсир қилувчи алюминий ва магний ионларини миқдорини эътиборга олиш лозим:

- магний гидроксид тузлари диарея чақириши мумкин;
- алюминий тузлари ҳомиладорлик давридаги қабзиятни чақириши ва уни кечишини ёмонлаштириши мумкин.

Ҳомиладорлик даврида препаратни юқори дозаларда ва узоқ вақт қабул қилишдан сақланиш керак. Даволаниш даврида эмизишни давом эттириш мумкин. Магний эмизикли даврда кўллашга мос ҳисобланади.

### **Дозани ошириб юборилиши**

Магний дозасини ошириб юборилиши нормал буйрак функцияси нормал бўлган bemорларда кўпинча ҳеч қандай токсик реакция чақирмайди. Шунга қарамасдан, магний билан заҳарланиш буйрак етишмовчилиги бор bemорларда ривожланиши мумкин (“Кўлланишидаги эҳтиёткорлик чоралари” бўлимига қаранг).

Токсик таъсири қон зардобидаги магний миқдорига боғлиқ. *Токсик таъсири белгилари:* артериал босимнинг пасайиши, кўнгил айнаши, кусиши, уйкучанлик, рефлекслар сусайиши, мушаклар толикиши, нерв-мушак фалажи, брадикардия, ЭКГ ҳулосасининг ўзгариши, гиповентиляция. Ўта оғир ҳолатларда нафас фалажи, кома, юрак ёки буйрак функциясининг бузилиши, анурик синдром.

*Магний дозасини ошириб юборилишини даволаи:* регидратация, жадаллашган диурез. Буйрак етишмовчилигига гемодиализ ва перитонеал диализ зарурияти бор.

### **Чиқарилиш шакли**

Суспензия пакетларда 15 мл дан.

30 донадан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойланади.

**Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Яроқлилик муддати**

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

**Дорихонадан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

ФАРМАТИС, Франция ишлаб чиқарган

САНОФИ-АВЕНТИС ФРАНС, Франция учун

**Ўзбекистон Республикаси худудидаги дори воситасининг сифатига тегишли**

**шикоятлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг манзили ва номи:**

«Санофи-Авентис Груп» компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

Ўзбекистон, 100015, Тошкент ш., Ойбек кўч., 24

Тел.: (998 71) 281 46 28/29; Факс: (998 71) 281 44 81

[www.sanofi.uz](http://www.sanofi.uz)